

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА -
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАРАЙИМОВ ЖАҲОНГИР ЗОКИРЖАНОВИЧ

***Cu* ВА *Ir* АТОМЛАРИ БИЛАН МИКРО НОБИРЖИНСЛИ
ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА
РЕКОМБИНАЦИЯ ХОССАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

УДК: 538.911, 935, 958, 975

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Мирзарайимов Жаҳонгир Зокиржанович

Cu ва *Ir* атомлари билан микро нобиржинсли легирланган кремнийнинг
электрофизик ва рекомбинация хоссалари..... 3

Мирзарайимов Жаҳонгир Зокиржанович

Электрофизические и рекомбинационные свойства кремния, микронеодно-
родно легированного атомами *Cu* и *Ir* 23

Mirzarayimov Jahongir Zokirjonovich

Electrophysical and recombination properties of silicon microinhomogeneously
doped with *Cu* and *Ir* atoms 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАРАЙИМОВ ЖАҲОНГИР ЗОКИРЖАНОВИЧ

***Cu* ВА *Ir* АТОМЛАРИ БИЛАН МИКРО НОБИРЖИНСЛИ
ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА
РЕКОМБИНАЦИЯ ХОССАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/FM377 рақам билан қайд этилган.

Диссертация Наманган Муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Махмудов Шерзод Ахмадович
Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар: Нуритдинов Иззатилла
Физика-математика фанлари доктори, профессор

Аскарлов Бахтиёр
Физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида
Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника
илмий-тадқиқот институти

Диссертациянинг ҳимояси PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил "22" 12 соат "14-00" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри. Фарғона кўчаси, 86 уй. Тел: (99873) 241-12-06, Факс: (99873) 241-12-06, e-mail: ferpi_info@edu.uz, Фарғона политехника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Фарғона политехника институти Ахборот технологияларини жорий этиш бўйича танишиш мумкин. (139 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри. Фарғона кўчаси. 86 уй. Тел: (+99873) 241-13-03).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" сентябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил "09" сентябрь даги 008-А рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Юлдашев
Илмий даража берувчи
Илмий Кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Б.З.Полвонов
Илмий даража берувчи
Илмий Кенгаш котиби, физика-математика
фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

К.Э. Онарқулов
Илмий даража берувчи
Илмий Кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий микроэлектроника соҳалари турли хил асбоб-ускуналарни тайёрлаш учун яримўтказгичли кремний монокристалли кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда фан ва техниканинг ривожланиши ихчам ва ташқи таъсирларга чидамли ҳамда ўта сезгир бўлган ярим ўтказгичли асбоблар яратишни талаб қилмоқда. Бир қатор мамлакатларда бу борада янги структурали монокристаллини шакллантиришга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада кремний монокристаллини юқори ҳароратли диффузия технологияси билан намунада бир вақтнинг ўзида киритма+кислород ва вакансия + киритма пайдо бўладиган чуқур энергияли сатҳлар ҳосил қилувчи киритмалар киритиш орқали хоссалари турғун материаллар олиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда яримўтказгичнинг асосий материали ҳисобланган кремнийда чуқур энергетик сатҳ бериб унинг хоссаларини кенг оралиғда бошқаришга имкон берувчи киритмалар билан легирлаб, термо- ва радиациявий таъсирларни ўрганиш бўйича жуда кенг қўлланми ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, кремний структурасида компенсирловчи киритма концентрациясининг кўпайиши билан чуқур энергетик сатҳ ва тутиб қолувчи сатҳлар вужудга келиши ҳамда уларнинг кинетик ҳодисалардаги ролининг ортиб бориши ҳисобига асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини камайиб бориши ёки ортиши айtilган. Бироқ чуқур энергетик сатҳ билан бойитилган кремний хоссаларини батафсил тадқиқ этилишига қарамай, шу вақтгача жумладан куйидаги илмий муаммолар ҳал этилмаган. Материалнинг электрофизик ва рекомбинацион хоссаларини киритмалар киритилиши ҳисобига ўзгаришининг ҳамма механизмларини тушунтирувчи ягона концепцияни ишлаб чиқиш; ушбу механизмлар бир вақтнинг ўзида рўй беришида кремнийнинг электрофизик ва рекомбинацион хоссаларининг турғунлигини таъминловчи тез диффузияланадиган киритмаларни излаб топиш. Берилган хоссали материални ташқи таъсирлар (диффузион совутиш, термик ишлов бериш ва нурланиш) шароитида олиш ярим ўтказгичли электрониканинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Республикамизда амалий ва фундаментал илмий тадқиқотларнинг долзарб устувор йўналишларига, хусусан, кремний монокристаллини, ташқи таъсирларга чидамли, ҳарорат ва ёруғликка сезгирлигини ошириш борасидаги инновацион ишланмалар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш» бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, Ядро энергетикаси, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳажмий ва паст ўлчамли кристаллар оптик ва фотоэлектрик қурилмаларининг самаравийлигини, ишчи

параметрларини орттириш методлари ҳамда механизмларини яратиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-5032-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3416-сон, 2020 йил 10 июлдаги «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4779-сон, 2021 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5063-сон қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг III: “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, оптик ва электрон асбобсозлигини ривожланиши” ва IV: “Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, нанотехнология, фотоника ва бошқа замонавий технологиялар асосида янги технологиялар ва қурилмалар ишлаб чиқиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларда $Si <Cu>$ ва $Si <Ir>$ намуналарнинг электрофизик ва рекомбинацион хусусиятлари жуда яхши ўрганилган ва қуйидагилар аниқланган: кремнийдаги мис киритмаси 1273 К ҳароратларда юқори диффузия коэффициентига эга $\sim 2 \cdot 10^{-5}$ см²/с; кремнийдаги мис атомларининг аксарияти ($\sim 99,9\%$) электр нофаол ҳолатда бўлади. Компенсацияланган $n-Si <P, Cu>$ ва $p-Si <P, Cu>$ намуналарда В киритмаси иштирокисиз юқори солиштирма қаршилик ($100 \div 10^5$ Ом·см)ни таъминловчи бир нечта акцептор марказлари топилган. Кремнийга иридий атомлари киритилган намуналарда қуйидаги электрофизик хоссалари аниқланган: иридий ҳам кремнийда тез диффузияланувчи киритмалар (1273 К ва $\sim 2 \cdot 10^{-7}$ см²/с да) каторига киради ва юқори диффузия коэффициентига эга; иридий атомларининг катта қисми (99,9 %) кремнийда электр фаол ҳолатда бўлади; иридийнинг акцептор ва донор марказлари кенг диапазонда компенсирланган (В атоми иштирокисиз) кремний намунасини олиш имконини беради.

Сўнги 20 йил мобайнида россиялик олимлар, жумладан: А.А.Лебедев, В.Ф.Банний, Л.С.Смирнов, С.П.Соловьев, ва В.В. Козловскийлар томонидан кремний намуналарининг электрофизик параметрлари жадал ўрганилган. Америкалик олимлар А.А.Истратов, Э.Р. Веберлар кремнийнинг ёруғликка сезгирлик хоссаларини тадқиқ этишган.

Бугунги кунда Ўзбекистонлик олимлар М.С.Саидов, Р.А.Мўминов, М.К.Бахадирханов, С.Зайнабидинов, А.Т.Мамадалимов, Н.А.Султонов, М.Каримов, ва Ш.Махкамовлар ва бошқа кўплаб олимлар томонидан кўплаб монокристалл ва поликристалл яримўтказгич намуналарида ЧЭСли марказларнинг хоссаларини системали ўрганишган. Бироқ, ҳозирги кунга қадар термик ва радиациявий ишлов бериш усули билан мис ва иридий атомлари билан легирланган кремний намуналарини тайёрлаш технологияси, электрофизик ва рекомбинациявий хусусиятларини ўрганиш бўйича етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган .

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига асосан бажарилди. Тадқиқотнинг асосий тажрибалари Ядро физика институти "Қаттиқ жисмлар структуралари ўзгариши" лабораториясида амалга оширилди ва натижалар таҳлили Наманган муҳандислик-технология институтининг Физика кафедрасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олдиндан нейтрон билан нурлантирилган ҳамда мис ва иридий атомлари билан легирланган ядровий-трансмутацияланган кремнийнинг электрофизик ва рекомбинацион хоссаларига микро нобиржинслиликнинг таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мис ва иридий билан турли концентрацияда легирланган кремний намуналарини олиш;

n- ва *p*-типи кремний намуналаридаги асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг яшаш вақтига мис ва иридий атомлари концентрациясининг таъсирини ўрганиш;

$Si\langle B,P,Cu \rangle$ ва $Si\langle B,P,Ir \rangle$ намуналарда термик ва радиациявий ишлов беришда содир бўладиган жараёнлар механизмларини аниқлаш;

паст ҳароратли тоблашнинг $Si\langle B,P,Cu \rangle$ ва $Si\langle B,P,Ir \rangle$ намуналарнинг электрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

$Si\langle B,P,Cu \rangle$ ва $Si\langle B,P,Ir \rangle$ намуналарида γ -нурланиш таъсирида радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишининг самарадорлигига мис ва иридий атомларининг таъсирини ўрганиш;

$Si\langle B,P,Cu \rangle$ ва $Si\langle B,P,Ir \rangle$ намуналар асосида радиацияга чидамли яримўтказгичли қайд қилгичларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тез диффузияланувчи мис ва иридий киритмалари билан легирланган ҳамда олдиндан нейтрон билан нурлантирилган кремний.

Тадқиқотнинг предмети. Олдиндан нурлантирилган кремний намунасининг электрофизик, рекомбинацион хоссалари, тез диффузияланувчи мис ва иридий киритмалари билан легирланган кремнийга термик ҳамда радиациявий ишлов бериш жараёнлари.

Тадқиқот усуллари: ушбу ишда Холл коэффиценти усули билан намуналарнинг солиштирма қаршилиги, ҳаракатчанлиги, концентрацияси ва

стационар фотоўтказувчанлик методи билан заряд ташувчиларнинг яшаш вақти аниқланган. Мис ва иридий киритмалари ВУП-4 ускунасида вакуумда пуркаш усули билан ва кейин СУОЛ 125 печида юқори 1150 °С ҳароратда диффузия қилиш орқали киритилган. Чуқур энергетик сатҳларни ўлчаш учун Шоттки диоди асосида ишловчи DLTS асбоби ёрдамида ностационар сифимли спектроскопия методидан фойдаланилди. Атом куч микроскопи ёрдамида n-Si<P,P,Cu>, n-Si<P,P,Ir> намуналарнинг сирт юзаси текширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

n-Si<P,P,Cu>, n-Si<P,P,Ir> намуналар 10^{16} - 10^{18} нейтр./см² оралиғида нейтрон билан нурлантирилган кремнийдаги мис ҳамда иридий киритмаларнинг электр фаол атомларининг концентрацияси, нурлантирилмаган кремнийдагига нисбатан 1,5 баробар кўплиги аниқланган;

олдиндан 10^{16} - 10^{18} нейтр./см² оралиғида нейтрон билан нурлантирилган ва мис киритма атомлари билан легирланган кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақти 10^{-5} с гача ошганлиги, нурлантирилмаган Si<P,Cu> намуналарда эса 10^{-7} с эканлиги, иридий киритма атомлари билан легирланган кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақти 10^{-4} с гача ортиши, нурлантирилмаган Si<P,Ir> намуналарда эса 10^{-5} с эканлиги аниқланган;

мис атомлари билан легирланган кремнийдаги асосий бўлмаган заряд ташувчиларини яшаш вақтининг қиймати кислородли ($>10^{17}$ см⁻³) намуналарда 10^{-5} с гача ортиши ва кислородсиз намуналарда 10^{-8} с гача камайиши ҳамда иридий билан легирланган намуналарда 10^{-5} с гача ортиши ва уларнинг кислородга боғлиқ эмаслиги аниқланган;

юқори 1150 °С ҳароратларда киритмалар киритилган Si<B,P,Cu>, Si<B,P,Ir> кремнийдан ташқи таъсирларга чидамли қайд қилгичлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. n-типли олдиндан нейтрон билан нурлантирилган ва мис киритмаси билан легирланган кремний асосида 273÷498 К ҳарорат оралиғида ишлайдиган иссиқликни сезувчи n⁺-n-n⁺- структурали намуналар тайёрлаш таклиф қилинди.

Юқори ҳароратда киритма киритилган ташқи таъсирларга чидамли Si<B,P,Cu>, Si<B,P,Ir> асосида қайдқилгич ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

n-типли ташқи таъсирларга чидамли Si<B,P,Cu>, Si<B,P,Ir> кремнийдан юқори сезгирли фото- ва терморезисторлар ясаш мумкинлиги кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, юқори аниқликдаги усул ва ускуналарнинг қўлланилганлиги ҳамда назарий ва амалий тадқиқотлар билан илмий асосланганлиги, намуналарга ишлов беришнинг яхши маълум ва асосланган технологик усуллари билан фойдаланилганлиги билан, шунингдек улар умумий физикавий қонуниятларга мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти кремнийга юқори ҳароратларда мис (Si<B,P,Cu>) ва

иридий ($p\text{-Si}\langle B,P,Ir\rangle$) атомларини диффузия қилиш ва бундай намуналарни ташқи омилларга чидамликни оширувчи мавжуд учта механизмни бир вақтнинг ўзида қўлланадиган намуналар тайёрланиб, ундан олинган натижалар тез диффузияланувчи киритмалар билан легирланган намуналарда юз берадиган ходисаларнинг механизмини очиб беради, бу эса хароратга ва радиацияга барқарор ярим ўтказгич асбоблар(фотодатчик,термодатчик ва радиацион датчиклар) яратишга физикавий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгич хоссасига эга ($Si\langle B,P,Cu\rangle$), ($Si\langle B,P,Ir\rangle$) структуралардан ташкил топган элементларининг электрофизик хусусиятларини ва уларни тайёрлаш усулини ўрганишда олинган натижалар асосида:

олдиндан нурлантирилган мис ва иридий атомлари билан легирланган кремний намуналарда нурлантирилмаган намуналарга нисбатан харорат ва радиацияга барқарорлигининг ортишига, иридий намуналарида эса камайиши бўйича олиб борилган натижаларидан Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф2-11 “d-элементлар қириндилари билан легирланган кремнийнинг сирт қатламлари ва ҳажмида наноўлчамли нуқсонларнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (ЎЗМУ хузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти томонидан 2021 йилнинг 17-декабрдаги №01ИК/1-113 рақамли маълуматномаси). Мазкур тадқиқот натижалардан фойдаланиш d-элементлар қириндилари билан легирланган кремний олиш технологиясини оптималлаштиришга олиб келган, ҳарорат ва радиацияга барқарорлиги 2 баробар ортиши аниқланган. Бундан ташқари кремнийнинг сирт қатламлари ва ҳажмида наноўлчамли нуқсонларнинг концентрацияси 2-3 баробар камайишига олиб келган;

олдиндан нурлантирилган ва мис киритма атомлари билан легирланган кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг яшаш вақти ўзгариши бўйича олиб борилган натижаларидан Андижон машинасозлик институти Ф-2-001 рақамли «Радиация таъсирида GaAs/Ge/ZnSe яримўтказгичли қаттиқ қоришмасида фотосезгирлик ва заряд ташувчиларнинг ўтиши» мавзусидаги лойиҳасида қўлланилган. (Андижон машинасозлик институти томонидан 2021 йилнинг 17-декабрдаги №38-05/1788 сонли маълумотномаси.). Натижада кислородли ($> 10^{17}\text{см}^{-3}$) ва кислородсиз мис атомлари билан легирланган кремний асосий бўлмаган заряд ташувчиларининг яшаш вақти қиймати мос равишда ортиши ҳамда камайиши аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган, жумладан 30 та расми ва 15 та жадвали рўйхатини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Кремнийда радиациявий нуқсонлар**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги замон адабиётларида келтирилган маълумот ва натижалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобда киритмали ва радиациявий нуқсонлар, рекомбинация хусусиятлари, ҳамда олдиндан радиациявий нуқсонлар ва киритма атомлар билан компенсацияланган кремнийдаги радиацион ҳодисалар, чуқур энергетик сатҳга эга бўлган кремнийда радиациянинг таъсирини таҳлил қилинган.


Ярим ўтказгичли материалларда заряд ташувчиларнинг яшаш вақти (τ), ҳосил бўлиш жараёни, чуқур энергетик сатҳлар, рекомбинациядан кейинги τ ни ўзгариши ва дунё олимлари томонидан кремний намунасини асосида таёрланган термо қайд килгичларнинг айрим физик параметрлари таҳлили келтирилган.

Булардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Мис ва иридий билан легирланган кремнийнинг электрофизик ва рекомбинациявий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқотларни ўтказишда компенсирланган кремний олиш учун фосфор (P) ва бор (B) билан легирланган n- ва p-типдаги намуналардан фойдаланилди. Намуналар Чохральский усули билан ўстирилган. Биз кремнийдаги кислород микдори $(5 \div 10) \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$ га тенг ва дислокацияларнинг зичлиги 10^4 см^{-2} , солиштирма қаршилиги $\rho \approx 3 \div 100 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ оралиғида бўлган n- ва p-тур намуналардан фойдаланган. Бундан ташқари нейтрон билан легирланган (p-Si <B, P>) p-тип кремнийдан ҳам фойдаланилди.

Радиациявий компенсирланган n- ва p- тип кремний олиш учун, 10 МВт қувватли, нейтронлари оқимининг зичлиги $\sim (0,002 \div 8) \cdot 10^{13} \text{ см}^{-2} \cdot \text{сек}^{-1}$ бўлган ВВР-СМ реакторининг икки горизонтал ва вертикал каналларида $\sim 320 \text{ К}$


хароратда ўтказилди. Компенсирланган p – типдаги кремний олиш учун, ^{30}Si секин нейтрон таъсирида ^{31}P айланиш реакциясига асосланган.



Киритилган фосфор концентрациясини $N_p=1,7 \cdot 10^{-4} \cdot \Phi$ формула орқали ҳисоблаш мумкин. Бу ерда Φ -секин нейтронларнинг оқим зичлиги, $\text{см}^{-2}\text{сек}^{-1}$.

Намуналар нурлантирилгандан кейин СУОЛ 125 горизонтал печида ~ 1150 °C ҳароратда 30 минут қиздирилиб ~ 30 (250) град/мин. тезликда хона ҳароратига тушгунча совитилди. Юзасидаги оксид қатламини олиш учун HF кислотасида $30 \div 150$ секунд химик ишлов бериб ушлаб турилди. Сўнгра намунани дистилланган сувда қайнатилди ва тозалаб ювиб ташланди.

Диссертациянинг “**Мис ва иридий билан легирланган кремнийнинг электрофизик ва рекомбинациявий хоссаларига ташқи таъсирларни ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида тайёр II-тип $n\text{-Si}\langle P, P, \text{Cu} \rangle$ намуналарида 1150 °C ҳароратли термодиффузия қилингандан сўнг DLTS спектрларида иккита максимум кузатилади (1- (а) расм). $E_1=E_c-(0,15 \pm 0,02)$ эВ ($\sigma_n = 5 \cdot 10^{-14} \text{ см}^2$) ва $E_2=E_c-(0,22 \pm 0,02)$ эВ ($\sigma_n=6 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$), $n\text{-Si}\langle P, P, \text{Ir} \rangle$ II-тип намуналарида 1150 °C ҳароратли термодиффузиядан сўнг учта максимум кузатилади $E_1=E_c-(0,17 \pm 0,02)$; $E_2=E_c-(0,33 \pm 0,02)$; $E_3=E_c-(0,54 \pm 0,02)$ (1-(б) расм).




1-расм. Намуналарнинг DLTS спектрлари а) $n\text{-Si}\langle P, B, \text{Cu} \rangle$, 1- II тип $E_1=E_c-(0,15 \pm 0,02)$ эВ; $E_2=E_c-(0,22 \pm 0,02)$ эВ; 2-I тип $E_1=E_c-(0,15 \pm 0,02)$ эВ; (Термодиффузия 1150 °C). б) $n\text{-Si}\langle P, B, \text{Ir} \rangle$, 1-II тип $E_1 = E_c-(0,17 \pm 0,02)$ эВ; $E_2 = E_c-(0,33 \pm 0,02)$ эВ; $E_3 = E_c-(0,54 \pm 0,02)$ эВ; (Термодиффузия 1150 °C).

Шуни таъкидлаш керакки, аниқланган энергетик сатҳлар концентрацияси $5 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$ дан катта бўлмайди, аммо унинг қиймати диффузия ҳарорати ва диффузиядан сўнг совутиш тезлигига боғлиқ бўлади. $n\text{-Si}\langle P, P, \text{Cu} \rangle$ I-тип намуналарида сатҳлар концентрацияси II-тип намуналаридан 5-10 марта кичик бўлади.

Кўрсатилган энергетик сатҳлар олинган назорат намуналарда аниқланмаган. Бу шуни билдирадики, бундай марказларнинг ҳосил бўлиши масалан, мис ва иридийнинг назоратсиз аралашмалари ҳамда иридий ваканцияларига боғлиқ бўлиши мумкин. Мис ва иридий билан легирланган оддий кремний намуналарга нисбатан нейтрон билан легирланган намуналарда

мис ва иридий киритмаларининг концентрацияси кўпроқ бўлиши кузатилди. Шундан сўнг, мис ва иридий билан легирланган кремнийнинг тузилиши, ўлчамлари ва аралашма нуқсонлари тақсимои ўрганилди.


Намуналар $n\text{-Si}\langle P,P,Cu\rangle$ ва $n\text{-Si}\langle P,P,Ir\rangle$ сиртининг рельефи морфологиясини атом қувватли микроскон АКМ ёрдамида олинган намуналар 2-расмда тасвирланган. $n\text{-Si}\langle P,P,Cu\rangle$ сиртида баландлиги $h\approx 160$ нм кенглиги $d\approx 150$ нм бўлган майдонлар (2(а)-расм) ва $n\text{-Si}\langle P,P,Ir\rangle$ сиртида баландлиги $h\approx 10$ нм кенглиги $d\approx 30$ нм бўлган майдонлар (2(б)-расм) шаклланганлиги аниқланди.




2-расм. Атом спектрал микроскопи ёрдамида $n\text{-Si}\langle P,P,Cu\rangle$ ва $n\text{-Si}\langle P,P,Ir\rangle$ намуналардан олинган икки ўлчовли (а) ва уч ўлчовли (б). II-тур яний тез совитилган намуналарининг тасвири.

Атом спектрал микроскон ёрдамида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, қаттиқ эритма $n\text{-Si}\langle P,P,Cu\rangle$ ва $n\text{-Si}\langle P,P,Ir\rangle$ лардаги мис ва иридий нано-оралиқлари геометрик гумбаз шаклига эга (2-а,б расм). Бу оролчаларнинг натурал ўлчами $30\div 160$ нм, асоси эса доира шаклга эга бўлиб, уни дўнглик-деб аталади. Мис ва иридий наноструктураларида бундай шаклларнинг пайдо бўлиши одатда дўнглик-фазалари конфигурациясидаги эластик кучланишларнинг кучли релаксацияси билан тушунтирилади.


Намуналарининг $Si\langle Cu\rangle$ микросуратлари 3-расмда келтирилган, қайсики ўзида бир нечта олти ва тўрт баргсимон мис атомлари кластерларнинг ўзаро боғланишини намоён этадиган юлдузсимон нуқсонлар ва $Si\langle Ir\rangle$ намуналарининг микросуратларида игнасимон нуқсонлар кўринишида бўлиши 4-расмда тасвирланган. Мис кластерлари ўлчами $10\div 35$ мкм гача, иридий кластерлари ўлчамлари эса $1\div 5$ мкм гача бўлиши ва кристалл хажми бўйлаб занжир кўринишида жойлашгани аниқланди.



3-расм. Олдиндан нейтрон билан легирланган кремнийга мис киритмалари киритилгандан кейин тез (а) ва секин (б) совитилган ҳолатида олинган микросуратлари, (10 мкм қадамли микрометрик шкалада) термодиффузия ҳарорати 1150 °С.



4-расм. Олдиндан нейтрон билан легирланган кремнийга иридий киритмалари киритилгандан кейин тез (а) ва секин (б) совитилган ҳолатида олинган микросуратлари, (10 мкм қадамли микрометрик шкалада) термодиффузия ҳарорати 1150 °С



5-расм. n-типли кремний намуналар изохрон қиздириш орқали асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтини совутиш тезлигига боғлиқлиги.

1 - $n\text{-Si}\langle P,P \rangle$ НБЛК;

2 - $n\text{-Si}\langle P,Cu \rangle$ мис билан легирланган кремний;

3 - $n\text{-Si}\langle P,P,Cu \rangle$ олдиндан нейтрон билан легирланган кремнийга мис киритма киритилган;

4 - $n\text{-Si}\langle P,P,Ir \rangle$ олдиндан нейтрон билан легирланган кремнийга иридий киритма киритилган ҳолларда асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтининг температурага боғлиқлиги.

Олдиндан нейтрон билан нурлантирилган n-типли кремнийга мис ва иридий киритмаларини термодиффузия қилингандан сўнг намуналарнинг асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтини ҳароратга боғлиқлиги 5-расмда кўрсатилган.

Намумаларнинг совутиш тезлигига қараб икки турга ажратилган I (тез совитилган, 250 град/мин) ва II типдаги (секин совитилган, 30 град/мин) кремнийда асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтига мис ва иридий таъсирини ўрганишдан олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Оддий намунага нисбатан нурлантирилган намуналарга мис киритмаси киритилса, заряд ташувчиларни яшаш вақти 10 баробар ортиши аниқланди, иридий киритмаси киритилса эса 100 баробар ортгани аниқланди.

1-жадвал

Мис ва иридий билан легирланган I ва II типдаги n- ва p-типли кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтлари

Намуна типи	T _{диф} = 1050 °C		T _{диф} = 1100 °C		T _{диф} = 1150 °C	
	I типт, с.	II типт, с.	I типт, с.	II типт, с.	I типт, с.	II типт, с.
n-Si<P>	9·10 ⁻⁷	7,4·10 ⁻⁷	1·10 ⁻⁶	5,4·10 ⁻⁷	7·10 ⁻⁷	4,3·10 ⁻⁷
n-Si<P,P>	6·10 ⁻⁷	5·10 ⁻⁷	3·10 ⁻⁶	2,4·10 ⁻⁷	3,7·10 ⁻⁷	2,3·10 ⁻⁷
n-Si<P,Cu>	9·10 ⁻⁷	2,6·10 ⁻⁶	1,6·10 ⁻⁶	3,8·10 ⁻⁶	5,3·10 ⁻⁶	4,6·10 ⁻⁶
n-Si<P,P,Cu>	1,5·10 ⁻⁶	3,2·10 ⁻⁶	2,8·10 ⁻⁶	5,1·10 ⁻⁶	7,2·10 ⁻⁶	7,8·10 ⁻⁶
n-Si<P,Ir>	3,3·10 ⁻⁵	3,8·10 ⁻⁵	4,7·10 ⁻⁵	6,7·10 ⁻⁵	7,6·10 ⁻⁵	8,8·10 ⁻⁵
n-Si<P,P,Ir>	3,6·10 ⁻⁵	4,3·10 ⁻⁵	5,7·10 ⁻⁵	7,3·10 ⁻⁵	8,6·10 ⁻⁵	9,8·10 ⁻⁵
p-Si	4,7·10 ⁻⁷	8,8·10 ⁻⁷	1,18·10 ⁻⁶	1,3·10 ⁻⁶	10 ⁻⁶	1,6·10 ⁻⁶
p-Si<B,P>	5,8·10 ⁻⁷	9,6·10 ⁻⁷	1,3·10 ⁻⁶	1,6·10 ⁻⁶	1,7·10 ⁻⁶	2,3·10 ⁻⁶
p-Si<B,Cu>	2,6·10 ⁻⁶	2,2·10 ⁻⁶	3·10 ⁻⁶	3·10 ⁻⁶	4,8·10 ⁻⁶	4,7·10 ⁻⁶
p-Si<B,P,Cu>	4,5·10 ⁻⁶	4,8·10 ⁻⁶	6,4·10 ⁻⁶	6,2·10 ⁻⁶	7,6·10 ⁻⁶	8,8·10 ⁻⁶
p-Si<B,Ir>	2,3·10 ⁻⁵	3,5·10 ⁻⁵	4,2·10 ⁻⁵	5,8·10 ⁻⁵	6,6·10 ⁻⁵	8,8·10 ⁻⁵
p-Si<B,P,Ir>	3,1·10 ⁻⁵	4,1·10 ⁻⁵	4,8·10 ⁻⁵	6,2·10 ⁻⁵	7,2·10 ⁻⁵	9,3·10 ⁻⁵

Мис ва иридий билан легирланган кремний намуналарнинг радиация таъсирида электрофизик, рекомбинацион хусусиятларининг ўзгаришини билиш мақсадида уларни γ-нурлари билан турли дозаларда нурлантирилди.

Қилинган тажрибалар асосида заряд ташувчиларнинг яшаш вақтларининг ўзгаришини $p - Si < B, P >$, $p - Si < B, P, Cu >$ ва $p - Si < B, P, Ir >$ намуналардаги γ- нурланиш дозасига боғлиқлиги кўриб чиқилди ҳамда эгри чизиклар заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини ўзгаришини радиация (нурланиш) коэффиценти K_{τ} катталиқ қийматларини ҳисобланди.

Тажрибаларда келтирилган соҳалар радиация коэффиценти K_{τ} катталиги $\frac{\Delta \tau}{\Delta F}$ дозасига боғлиқлиги аниқланди. Бошланғич нурланиш босқичида $\sim 4 \cdot 10^{-17} \text{ см}^2$ дозасигача легирлаган ва кремнийда заряд ташувчиларнинг яшаш вақтининг ўзгариши қуйидаги формулалар билан аниқланди.

$$\frac{1}{\tau} = \frac{1}{\tau_0} + K_{\tau} F \quad \text{ёки} \quad \tau = \frac{\tau_0}{1 + \tau_0 K_{\tau} F}$$

бу ерда τ - ва τ_0 – заряд ташувчиларнинг нурланишдан олдинги ва кейинги яшаш вақти, F – γ -нурланишнинг флуенси, K_{τ} - заряд ташувчиларнинг яшаш вақтида γ -нурланишнинг ўзгариш коэффициенти, K_{τ} нинг қийматлари 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал.


Легирланган р-типли ва назорат кремний намуналарининг γ - нурланишдан олдинги ва кейинги параметрлари

Намунани	R Ом·см	T _{диф}	Совутиш тезлиги, град/мин	N, см ⁻³		τ_0 , с	K _{τ} , см ² /с
				N _{обш.}	N _{акт.}		
p-Si<B,P>	10	1075	250	5·10 ¹⁷	2·10 ¹³	1,2·10 ⁻⁷	9,5·10 ⁻¹²
p-Si<B,P,Ir>	10.1				≤10 ¹²	5·10 ⁻⁵	5,4·10 ⁻¹²
p-Si<B,P,Cu>	9.8				4,6·10 ⁻⁶	7,8·10 ⁻¹²	
p-Si<P, Ir>	9,1	1100	250	9·10 ¹⁷	10 ¹⁴	3,2·10 ⁻⁷	1,2·10 ⁻¹²
p-Si<P,Cu>	8				8·10 ¹³	4,5·10 ⁻⁶	1,9·10 ⁻¹²
p-Si<B,P,Ir>	13				2·10 ¹⁴	3,2·10 ⁻⁷	6,4·10 ⁻¹²
p-Si<B,P,Cu>	12.8				10 ¹⁴	4,5·10 ⁻⁶	9,8·10 ⁻¹²
p-Si<B,P>	11	1150	250	1,2·10 ¹⁸	6·10 ¹³	1,6·10 ⁻⁶	4,5·10 ⁻¹²
p-Si<P,Ir>	9,8				5,9·10 ⁻⁷	2,9·10 ⁻¹³	
p-Si<P,Cu>	9,6				10 ¹⁴	6,8·10 ⁻⁶	3,3·10 ⁻¹³
p-Si<B,P,Ir>	15.8				4·10 ¹⁴	3,2·10 ⁻⁷	5,4·10 ⁻¹³
p-Si<B,P,Cu>	13.2				3·10 ¹⁴	4,5·10 ⁻⁶	8,8·10 ⁻¹³
p-Si<B,Ir>	25	1200	250	1,8·10 ¹⁸	7·10 ¹⁴	7,3·10 ⁻⁵	1,5·10 ⁻¹³
p-Si<B,Cu>	16				4·10 ¹⁴	9,2·10 ⁻⁶	2,7·10 ⁻¹³
p-Si<B,P,Ir>	3500				1,5·10 ¹	3,2·10 ⁻⁷	7,4·10 ⁻¹³
p-Si<B,P,Cu>	250				8·10 ¹⁴	4,5·10 ⁻⁶	2,8·10 ⁻¹⁴

Кремнийдаги *Si* ва *Ir* аралашма маркасларининг ҳосил бўлишига нурланишнинг таъсирини аниқлаш учун намуналар 10⁹ Р дозагача (40÷50°С дан ошмаган ҳароратда) γ -нурланиш берилди. Нурланиш дозаси ортиши билан фотосезгирлик – K ни маълум интервалида легирланган кремнийдаги нисбий ўзгариши маълум флюенсларда γ -квантга нисбатан турлича бўлши 8-расмдан кўриниб турибди. Яъни кремнийдаги аралашмаларнинг эрувчанлиги ва диффузия коэффициенти қанча катта бўлса, K нинг ортиши шунча кучли бўлиши, кейинчалик эса аксинча камайиши кузатилди. Фотосезгирлик – K нинг қийматининг ортиши қуйидагича тушунтирилади: аралашмаларнинг кремнийга диффузияси вақтида рекомбинация маркаслари бир вақтда киритилади ва кремнийнинг дастлабки микро-ўтказувчанлиги ортади.

Қуйидаги *p-Si<B,P,Cu>*, *p-Si<B,P,Cu>* ва *p-Si<B,P,Ir>* намуналарда нурланиш дозаси янада ортирилса ва дастлабки ҳолат билан тақосланса, *Si* ва *Ir* катта диффузия коэффициентиغا эга. Эрувчанлиги туфайли нурланиш вақтида легирланган кремнийда электр фаол аралашмаларнинг маркаслари ортади. Ўтказувчанлик бўйича микро бир жинсли эмаслиги камаяди, яъни

юқори ва кичик Ом ли соҳалар орасидаги тўсиқ камаяди ва рекомбинацион марказлар ортади, натижада намунадаги фотосезгирлик камаяди.



8-расм. Олдиндан нейтрон билан легирланган кремнийга мис ва иридий атомлари киритилган намунанинг нурланиш дозаси ортиши билан фотосезгирлигининг γ -нурланиш флюенсига нисбатан ўзгариши келтирилган.


Диссертациянинг “Мис ва иридий атомлари билан легирланган кремний асосида датчиклар олиш”. деб номланган тўртинчи бобида Кремнийнинг 1150°C ҳароратда диффузия қилингандан сўнг потенциал тўсиқ, $p\text{-Si}\langle B \rangle$, $p\text{-Si}\langle B, P \rangle$ намуналарида деярли ўзгармаганлиги кузатилди. Радиация билан нурлантирилган $p\text{-Si}\langle B, P, Ir \rangle$ ва $p\text{-Si}\langle B, P, Cu \rangle$ намуналарда эса оддий намунага нисбатан иридийда киритмаси билан бойитилган кремнийда потенциал тўсиқ 3 мартагача ортди. Мис киришмаси киритилган кремний намунада эса 2.5 баробар кўтарилиши кузатилди. Ҳаракатчанлик эса сезиларли даражада камайиши кўрилди.

Тез нейтронлар билан нурлантирилгандан сўнг потенциал тўсиқ $p\text{-Si}\langle B \rangle$, $p\text{-Si}\langle B, P \rangle$ намуналарида деярли ўзгармаганлиги кузатилди. Радиациявий нурлантирилган $p\text{-Si}\langle B, P, Ir \rangle$ ва $p\text{-Si}\langle B, P, Cu \rangle$ намуналарда эса оддий намунага нисбатан иридийда киритмаси билан бойитилган кремнийда потенциал тўсиқ 4-5 мартагача ортди. Мис киришмаси киритилган кремний намунада эса 2 баробар кўтарилиши кузатилди. Ҳаракатчанлик эса сезиларли даражада камайиши кўрилди. Кремнийнинг бу параметрлари 3-жадвалда келтириб ўтилган.

Легирланган кремнийни ядро реакциялари ($p\text{-Si}\langle B, P \rangle$), мис ($p\text{-Si}\langle B, P, Cu \rangle$) киритмасини киритиш орқали юқори қаршиликли, радиация ва ҳароратга чидамли намуналар олиш ҳамда улар асосида тайёрланган резисторлар қаршилигини бошқариш усулини ишлаб чиқиш. Яъни $p_{\text{мах}}$ - ва $p_{\text{мин}}$ - соҳаларда компенсация даражасининг фарқи туфайли нурланиш бу соҳалар орасидаги потенциал тўсиқ ($\Delta_0 \rightarrow \Delta$) нинг ортишига олиб келади, бир нечта энергетик сатҳлар ҳосил бўлади, яний $E_1 = E_V + 0.28$ эВ, $E_2 = E_V + 0.35$ эВ ва $E_4 = E_V + 0.4$ эВ (9-а ва 9-б-расм) ва намуна ўтказувчанлик бўйича биржинсли бўлмаган ҳолатга келади.

Кремний намунасининг легирлашдан олдинги ва кейинги параметрлари келтириб ўтилган

№	Параметрлари	$p\text{-Si}$	$p\text{-Si}<B,P>$	$p\text{-Si}<B,P,Ir>$	$p\text{-Si}<B,P,Cu>$
1150 °C ҳароратда диффузия қилингандан сўнг					
1	ρ (Ом·см)	10.1	10.1	15.8	13.2
2	N (см ⁻³)	$1.21 \cdot 10^{15}$	$1.23 \cdot 10^{15}$	$1.31 \cdot 10^{16}$	$1.34 \cdot 10^{16}$
3	μ (см ² /В·с)	355	365	280	310
4	Δ (мэВ) юқори Потенциал тўсиқ	4.5	4.15	14	10
тез нейтронлар 10^9 см ⁻² билан нурлантиришдан сўнг					
1	ρ (Ом·см)	5.1	14.8	35.4	20.72
2	N (см ⁻³)	$8.1 \cdot 10^{14}$	$1.2 \cdot 10^{15}$	$6.8 \cdot 10^{15}$	$1 \cdot 10^{15}$
3	μ (см ² /В·с)	345	352	260	301
4	Δ (мэВ) юқори Потенциал тўсиқ	6.75	4.5	30	9.4




9-расм. Бир жинсли бўлмаган p -типли кремнийдаги p_{\max} - ва p_{\min} – энергетик сатхларнинг нейтронлар билан нурлантиришдан олдин ва кейинги моделлари кўриниши. $E_1=E_v+0.28$ эВ, $E_2=E_v+0.35$ эВ ва $E_4=E_v+0.4$ эВ қийматларга эга ҳолатлар учун.


Маълумки, кремнийга мис ва иридий атомларини диффузиясида бир вақтнинг ўзида киритмалар кремний тўла ҳажмида электр фаол ва электр нофаол марказлар ҳосил қилади. Мис атомларининг кўп қисми электр фаол бўлмаган, иридийда аксинча электр фаол бўлган ҳолда бўлади. Кремнийни мис ва иридий атомлари билан легирланганда солиштирма қаршилиги 3-10 Ом·см бўлган, хона ҳароратида ўтказувчанлик зонасининг пастки қисмида бўлган Фермик соҳаси $E_c-(0.42-0.52)$ эВ n -типли кремний монокристалли ишлатилган бўлиб, уни мис ва иридий билан легирлаш 1150 °C 5 соат давомида термик диффузия қилиш усулидан фойдаланилди. Тадқиқот намуналарининг ўлчамлари 5 x 5 x 0,5 мм³ ни ташкил қилади ва $n^+ \text{-} n \text{-} n^+$ структуралар эса 1050 °C ҳароратда 120 мин вақт давомида фосфорни термодиффузия қилиш усули билан ҳосил қилинган.

Компенсацияланган намуналар фотоэлектрик параметрлари $-R_T/R_c$ нисбатнинг ўзгариши асосида назорат қилинган. Бу ерда R_T - ёритилмагандаги қаршилик бирлиги Ом, R_c - ёритилгандаги қаршилик бирлиги Ом. Ёруғлик ва ёритилганлик қаршиликлар $E = 200$ люкс энергияда ўлчанди.

